

АВТОМОБИЛ ХАРИДИ УЧУН "

кредити ажратиш тұғрисида шартнома

г. Ташкент

“Давр банк” ХАТБ _____ филиали бошқарувчи ўринбосари(кейинги ўринларда - Банк) Низом ҳамда _____ ишончнома асосида иш юритувчи _____, бир томондан ва _____ (кейинги ўринларда - Қарз олувчи) иккинчи томондан ушбу шартномани қуидагилар ҳақида түздилар.

1.1 “ДАВР БАНК” ХАТБ Бошқаруви томонидан 05.05.2022 йилда тасдиқланган “” _____” кредит паспорти ҳамда «ДАВР БАНК» ХАТБ кредит сиёсатига асосан “Банк” “Қарздор”га АЖ “UZAUTO MOTORS” _____ ва “Қарздор” _____ ўртасида тузилган -сонли шартномага асосан _____ автомашинасини (Кейинги ўринларда автомобиль деб аталади) сотиб олиш учун _____ 30 % бошланғич бадали _____ сүм сугурта тулови учун _____ сум жами _____ сүм ни ушбу шартномада назарда тутилган шартларда ва миқдорда мақсадли кредит маблағлари ажратади.

1.2 “Қарздор” эса кредит беришнинг умумий қоидаларига (мақсадлилик, таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтариувчанлиги ва түланувчанлигига) риоя этган ҳолда кредитидан фойдаланади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банкнинг мажбуриятлари:

2.1.2 ажратилган ссуда ҳисобини юритиш учун, кредит шартномаси имзоланган кундан бошлаб қарздорга алоҳида ссуда ҳисоб рақами очилади.

2.1.3 йиллик **28.99%** устами хаки тулаш шарти билан **48 (қирқ саккиз) ой**, _____ сүм миқдорида автомобиль сотиб олиш учун кредит ажратади.

2.1.4 ажратилган кредит бўйича асосий қарз ва асосий суммага ҳисобланган ойлик фоизларни ҳар ойнинг 02 кунига қадар Қарздордан ундиради;

2.1.5 қарздорга ажратилган кредитни муддатидан олдин қайтариш ҳақида маълум қиласи (сабабини кўрсатган ҳолда);

2.1.6 банк кредит сиёсати ва норматив хужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тұғрисида Қарздорга маълум қилиш (жумладан, кредитдан фойдаланган учун марказлаштирилган фоизнинг кўтарилиши тұғрисида);

2.1.7 Банк карз олувчиниг _____ сонли пластик картасидан, мавжуд ва бундан сўнг очиладиган барча қарз олувчининг банк ҳисоб рақамларидан (талаф қилиб олгунча, депазит, жамғарип бориладиган, пластик ва бошқа исталган ҳисоб рақамларидан) кредит тўловини графикга аласан акцепсиз тарзда ечиб олиш хуққига эга.

2.1.8 кредит муддатида ажратилмаган тақдирда, ҳар бир муддати ўтган кун учун қарздорга ажратилмаган кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда кунлик 0,1% миқдорида пеня тўлайди;

2.1.9 АЖ “UZAUTO MOTORS” томонидан ишлаб чиқазилган _____ автомобильни сотиб олиш учун, олувчи _____ ва сотувчи _____ ўртасида тузилган **йилдаги** _____ сонли шартномага асосан, АҚБ“ASAKA BANK” (МФО:00873) **20214000700532305140**-сонли ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали тўлаб бериш мажбуриятини олади.

2.1.10 сугурта тулови учун, сугурталанувчи _____ ва сугуртаси _____ ўртасида тузилган сугурта шартномага асосан, ХАТБ“Давр Банк” Олмазор филиали (МФО:01121) № _____-сонли ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали тўлаб бериш мажбуриятини олади.

2.2. Қарздорнинг мажбуриятлари:

2.2.1 Мазкур шартноманинг 1.1-бандида қайд этилганидек, ажратилган кредитни мақсадли фойдаланади;

2.2.2 Кредитдан фойдаланиш жараённанда қуидаги асосий талабларга амал қилиш: кредитни мақсадли ишлатиш, қайтаришлик, муддатлилик, тўловни кечиктирмаслик ва таъминот;

2.2.3 Реквизитлари ўзгарғанлиги ҳақида банкка зудлик билан хабар беради;

2.2.4 Банк томонидан талаф қилинган ва қонунчиликда қайд этилган хужжатларни тақдим

етиш;

2.2.5 Ажратилган кредитни шартноманинг таркибий қисми сифатида илова қилинган кредитни қайтариш жадвалига асосан қайтариши;

2.2.6 Ҳар ойнинг 02-санасига қадар банк томонидан ажратилган кредитдан фойдаланганлиги учун йиллик **28.99%** миқдорида фоиз ҳисобланади. Муддати ўтган қарздорлик учун йиллик 1,5 баравар оширилган миқдорда тўланади.

2.2.7 Банк ходимлари томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган мониторинг текширувлариغا қаршилик кўрсатмаслик ва мониторинг текширувига кўмаклашиш;

2.2.8 Қарздор ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи барча ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек молиявий ҳолати, фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтган жойи, яшаш манзили, иш жойи, реквизитлари ҳамда бошқа маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида банкка зудлик билан ёзма маълумот тақдим этиши. Ўзига нисбатан мулкий/моддий даъволар билдирилган тақдирда бу ҳақда банкни зудлик билан хабардор этиши.

2.2.9 Қарздор вафот этган тақдирда, унинг ссуда қарздорлиги бўйича мажбуриятлари меҳнатга лаёқатли оила аъзоларидан бирига (мустакил ва тўлов қобилиятига эга шахсга) қайта расмийлаштирилади. Кредит мажбуриятлари қайта расмийлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда ва тўлов муддатининг келишидан катъий назар банк қарздорнинг вафотидан сўнг олти ойлик муддат ичида унинг меросхўр ёки ворисларига суд орқали мулкий даъво кузатишга ҳақли;

2.2.10 Шартнома бекор қилинган тақдирда, кредитдан фойдаланган муддат учун ҳисобланган фоиз ва асосий қарзни ҳамда ҳисобланган пеняларни тўлиқ ёпиш;

2.2.11 Шартномани тузиш юзасидан банк талаб қилган ва қонунчиликда тақдим этилиши назарда тутилган хужжатларни 30 (ўттиз) кун ичида тақдим этиши;

2.2.12 Талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини олган вақтдан 5 (беш) иш куни давомида қарздорликни тўлаши.

2.2.13 Ушбу шартномани имзолаш билан қўйдагиларни тасдиқлайди: шартнома тузиш ва унинг шартларини бажаришга лаёқатлилигини;

2.2.14 **Автотранспорт воситаси АЖ “UZAUTO MOTORS”** нинг расмий диллери томонидан олувчиға етказиб берилгандан сўнг 10 (ён) календарь кун ичида гаровга қўйилиши шарт. Белгиланган муддат ичида автотранспорт воситаси гаровга қўйиб берилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида, лекин кредит суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима чоралари қўлланилади. Автотранспорт воситасини гаровга қўйиш билан боғлиқ нотариал идоралар харажатлари қарздор томонидан амалга оширилади;

2.2.15 Қарз олувчи амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларида (ЙҲҲДХ, Давтехназорат, Бош прокуратура хузурдаги агросаноат комплексини назорат қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича инспекция) мазкур Шартномани рўйхатга қўйиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун барча зарур ҳаракатларни ўз ҳисобидан ва ўз маблағлари ёрдамида амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2.16 Қарз олувчи кредитни ўз вақтида сўндиримаган тақдирда унинг яшаш манзилига, махалла фуқаролар йиғини (МФЙ)га ҳамда яқин қаримдошларини кига банк ходимлари ташриф буюришига ва кредит қарздорлигининг қайтарилишини талаб қилишга қаршилик билдирамайди.

3.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҶАҲАРИ

3.1.Банкнингхуқуқлари:

3.1.2 кредитлаш жараёни давомида (кредитга лаёқатлилиги, кредитни мақсадли ишлатилиши, таъминоти юзасидан ва бошқа кредитни қайтарилиш масалалари юзасидан) кредитни текиширув мониторингини амалга оширади;

Мониторинг жараёнида автомашинанинг бутлигига ишонч ҳосил қилиш учун қарздор ва автомашинани банкка чақириб олиши мумкин, ҳамда кредит ўз вақтида ёпилмаётган бўлса гаров сифатида қабул қилинган автомашина банк филиалига олиб қолиниши мумкин.

3.1.2 Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда, бу тўғрида қарздорга маълум қилиш;

3.1.3 мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда Банк кредит ажратишни рад этиши мумкин;

3.1.4 ундирув кафилликка қаратилған тақдирда бу тұғрида Банк қарздорға 5 (беш) кун олдин маълум қилиши мүмкін;

3.1.5 ссуда мақсадли ишлатилмаганда, фоиз ва асосий қарз тұлови 30 кундан кечиктирилғанда мижознинг молиявий ахволи оғирлашғанда ва шартномада күзда тутилған бошка мажбуриятлар бузилғанда кредит муддатидан илгари қайтариш чоралари күриши мүмкін, шунингдек шартноманинг 2.2-банди талаблари бузилған тақдирда ундирувни гаровдаги мулк обьектига қаратышга ҳақли;

3.1.6 талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиши мүмкін.

3.1.7 қарздор кредитни ўз муддатида сўндиримаган тақдирда банк гаровдаги автотранспорт воситасини мулк эгасининг қаршилигига қарамасдан қайтариб олади. Қайтариб олинган автотранспорт воситаси кредит қарздорлигини сўндириш учун банк томонидан савдога қўйилиб сотилади, қарздор бунга қаршилик билдиримайди.

3.2. Қарздорнинг ҳуқуқлари:

3.2.1 мазкур шартнома шартларида қайд этилған суммани муддатида қайтариш шарти ва ушбу шартномада кўрсатилған шартлар билан олиш;

3.2.2 кредит тұловларини муддатидан олдин амалга ошириш;

3.2.3 банкдан шартнома бўйича банк мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

3.2.4 банкдан кредит қолдиги юзасидан маълумотлар олиш;

3.2.5 шартноманинг нусхасини олиш;

3.2.6 кредит қарздорлигини муддатидан олдин қайтарған ҳолда, кредит шартномасини тарафлар келишувига кўра бекор қилиш;

3.3. Қарздор банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўзининг кредит олиш ҳуқуқини бериши (сотиши), ушбу шартномадаги мажбуриятларини ўтказишга ҳақли эмас.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРИГИ

4.1. Тарафлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

5. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Қарздор ўз мажбуриятларини бажарилишини ўзиги тегишли бўлған мулклар билан таъминлайди.

5.2. Кредитнинг қайтарилиши таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай ҳаражатларни Қарз олувчи ўз зиммасига олади.

5.3. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланади. Автотаранспорт воситаси гаровга олингунга қадар кредит қайтмаслиги хатаридан [REDACTED] сўм суғурта полиси тақдим этилади. Кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш полиси кредитнинг бутун даврига тақдим қилинади. Сотиб олинаётган автотранспорт воситаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ваколатли давлат органи томонидан техник паспорт олингандан сўнг гаровга тақдим этилади ва кредитни қайтмаслик хатарини суғурталаш полиси автотранспорт суғурта полисига алмаштирилади. Кредит ҳисобига сотиб олинаётган автотранспорт воситаси диллер томонидан етказиб берилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичиде автотранспорт воситаси гаровга қўйилиши шарт. Мазкур муддат ичиде гаровга қўйилмаган автотранспорт воситалари учун жисмоний шахсларга кредит асосий суммасидан келиб чиқиб, 0,05 фоизи миқдорида жарима ундирилади. Гаровга қўйилған депозит маблағи кредит муддатининг охирги ойида кредит асосий қарздорлигига йўналтирилади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1. Мазкур шартнома шартлари юзасидан тарафлар ўртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар ўзаро музокара олиб бориши йўли билан ҳал қилинади. Тарафлар юзага келган низони ўзаро ҳал қила олмаган тақдирда, ушбу низони ҳал этиши учун фукаролик ишлари буйича Яккасарой туманлараро суди орқали ҳал қилинади.

7. ФОРС – МАЖОР

7.1. Енгиги бўлмайдиган кучлар ва томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, яъни табиий оғатлар, сел, ёнгин, зилзила, портлаш, эпидемия, уруш ёки ҳарбий ва фавқулотда ҳолатлар

сабабли томонлар мазкур шартнома шартларини қисман ёки түлиқ бажармасалар жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур форс-мажор холатлар шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга ва қўшимча мажбурийтлар сабаб бўлади.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан тарафлар ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қиласди.

8.2. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёзма тартибда тарафларнинг розилиги билан амалга оширилади.

8.3. Тарафлар томонидан имзоланган ва муҳр босилган, ёзма равишда тузилган мазкур шартномага қўшимчалар юридик кучга эгадир.

8.4. Ушбу шартномада кўрсатилган манзил бўйича юборилган талабнома ва/ёки огохлантириш хати қарздорга почта орқали юборилганида карздорнинг почта манзили ўзгарган бўлса ёки талабнома ва/ёки огохлантириш хатини қабул килмаса, талабнома ва/ёки огохлантириш хати топширилган саналади.

8.5. Қарздорликни ундириш юзасидан келиб чиқган низоларни судда ҳал этиш харажатлари (даволат божи, почта харажатлари ва бошқа харажатлар) ва қарздорликни ундириш бўйича қилинган бошқа харажатлар қарздордан ундирилади (карздор томонидан қопланади).

8.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатлар амалдаги ратификация килинган ҳалқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари асосида тартибга солинади.

8.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган уч нусхада тузилди. томонларга ва нотариал идорага бир нусхада тақсим этилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

<p>"Давр банк" ХАТБ Яккасарой филиали Манзил: [REDACTED] Банк реквизитлари: х/р [REDACTED] МФО 01069 ИНН 207076924 Бошқарувчи ўринбосари [REDACTED]</p> <p>Хукуқшунос [REDACTED]</p>	<p>Фуқаро: [REDACTED] Манзил [REDACTED] Паспорт маълумоти: [REDACTED] _____</p>
--	---